

**ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИННИ АМАЛГА  
ОШИРИШДА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНИНИНГ ЎЗАРО  
ХАМКОРЛИКДАГИ ЎРНИ**

*ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ КУРСАНТИ  
ШАРИПБАЕВ ДИЁРБЕК ШУХРАТ ЎГЛИ*

**АННОТАЦИЯ:** Уибу мақолада: Республикаизнинг барча худудларида фаолият олиб бораётган профилактика инспекторлари, патрул – пост хизмати ходимлари ва Миллий Гвардия ходимлари хамкорликдаги кунлик иши фаолиятларини бажарииш чогида ўзаро хамкорликни тўғри ташкил этишидаги юзага келадиган вазифа ва мажбурияятларнинг тахлили олиб борилган.

**Калим сўзлар:** Хуқуқбузарликлар профилактикаси, хамкорлик, Миллий Гвардия, вазифа, мажбурият, фаолият.

**КИРИШ:** Профилактика инспектори жамоат тартибини сақлашда бевосита миллий гвардия ходимлари билан хамкорликда амалга оширади. Бу соҳа ходимлари ўз навбатида ички ишлар органларининг патрул пост хизматлари билан бир хил вазифани бажаришади .Профилактика инспектори ўз навбатида маҳалла ҳуқуқ тартибот масканидаги фаолияти ҳам миллий гвардия ходимлари билан бевосита боғлиқ бўлиб улар билан бир қатор тадбирлар олиб боради.Миллий гвардия соҳавий хизмати маҳалла ҳуқуқ тартибот масканидан ташқари кўча ва бошқа жамоат жойларида ,тадбир ва байрам вақтларида ҳам агарда профилактика инспектори худудига тўғри келса ҳамкорликда иш олиб боради.Ҳамкорлик энг аввала иш самарадорлигини ва фуқоролар дахлсизлиги ва хавфсизлигини

таминлашда      муҳим      аҳамият      касб      қилади. Мавзунинг долзарблиги: Президент Шавкат Мирзиёев турли жиноятчиликларнинг асосини жамият ахлоқий, маънавий ва руҳий ҳолатида кўради. Криминоген ҳолатлар илдизини қидиради. Давлат раҳбарининг ахлоққа доир сиёсати Президент сифатидаги сиёсий ахлоқ концепциясини белгилайди. Сиёсий ахлоқ бевосита бошқарув маданияти, раҳбарлик одоби, миллат ва давлат шаъни билан боғлиқ бўлган миллий орият ва миллий нафсоният билан боғлиқ бўлган ғоятда кенг миқёсли ҳодиса даражасига кўтарилади. Дарҳақиқат, қайси жамиятда раҳбар одоби кучли бўлса, унда файз, барака ялпи жамиятнинг умумий кайфияти соғлом бўлади. Натижада сиёсий ахлоқ ахлоқий сиёсатнинг таянчига айланади. Бу bevosita шарқона бошқарув маданияти, бир неча минг йиллик давлатчилик тажрибаларимизнинг замонавий сивилизатсия шароитидаги янги кўриниши сифатида кўзга ташланади . Шавкат Мирзиёев кенг миқёсли ислоҳотлар жараёнида оила мустаҳкамлиги, оила муҳитининг соғломлиги, ота ва онанинг фарзанд тарбияси билан боғлиқ мажбуриятлари муаммоларига алоҳида эътибор билан қарайди. Оилавий низолар, аёллар жиноятчилиги ҳолатларига алоҳида эътибор беради. Ижтимоий-маишӣ муаммоси бор оилалар билан алоҳида, доимий ва узлуксиз ишлаш давлат идораларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиб қолишини ҳамиша таъкидлайди. Дарҳақиқат, оила-кичик давлат. Бошқача қилиб айтганда, оила-макро давлат ичидаги микро давлат. Ҳар бир оиланинг ўз тарбиявий муҳити, яшаш қонуниятлари, талаблари ва еҳтиёжлари бор. Бу қонуниятлар, талаблар ва еҳтиёжлар, албатта, умум миллий ва умумижтимоий манфаатлар билан уйғун бўлиши лозим. Ана шундагина бутун жамият соғлом ва баркамол бўлади. Бу – осон иш эмас. Чунки ҳамма оиласидаги маънавий, ахлоқий ва руҳий муҳит бир хил эмас. Уни мувофиқлаштириб турадиган, назоратга оладиган ҳолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (бундан буён матнда Миллий гвардия деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўшинларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва

хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида хуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган маҳсус туридир. Хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади; хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиганшарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қиласиди.. Миллий гвардия соҳалари бошқа нормативе хужжатларда белгиланган бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

Миллий гвардиянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlари, эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;
- тероризмга қарши курашишда, шунингдек террорчилик ҳаракатларининг ҳамда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этиш;
- терговга қадар текширувни амалга ошириш, суриштирув ўтказиш, жиноят ишларини қўзғатиш ва маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш;
- давлат обьектларини, ўта муҳим, тоифаланган обьектларни ҳамда бошқа обьектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини қўриқлаш;

қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

- хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан мазкур хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш;

- жамоат тартибини сақлаш, шу жумладан оммавийтадбирлар, митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказилаётганда ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш;

**Хулоса:** Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, аксарият жиноятлар вилоятларнинг 8-10 маҳалласи ҳиссасига тўғри келган. Шу боис криминоген жиҳатдан нисбатан оғир маҳаллаларда Миллий гвардия билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Жиноятлар мунтазам содир этиб келинаётган маҳаллалар танлаб олиниб, уларда қўшимча патруллик йўналишлари ташкил этилди. Натижада жорий йилнинг ўтган даврида жами маҳаллаларнинг 66 фоизида ёки 9 минг 145 маҳалладан 6 минг 61 тасида биронта ҳам жиноят содир этилмади. Ҳар бир маҳаллани жиноятдан ҳоли ҳудудга айлантириш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Миллий гвардия билан ҳамкорликдаги ишлар ҳам тизимли равища давом эттирилмоқда. Зўровонликдан жабр кўраётган хотин-қизларга ҳимоя ордери бериш жорий этилди.Хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасида Миллий гвардия хизмати бевосита ички ишлар органлари ходимлари билан айниқса профилактика инспектори билан узвий боғлиқда иш олиб boradi. Фойданилган адабиётлар:

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023-йил
2. Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун 2016-йил 16-сентябр Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун 2014-йил 14-май 2021-йил 26-мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
3. 2022-йил 18-май кунидаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси тўғрисида”ги қонуни